



КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ СИЕСИЙ
БЮРОСИНИНГ ЯНГИ
ИТТИФОҚ
ШАРТНОМАСИ
ТУҒРИСИДАГИ
МАСАЛАГА ДОИР

БАЁНОТИ


КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳасини мамлакатдаги оғир сиёсий ва иқтисодий тангликни бартараф этиш, миллатлар ва фуқароларнинг тотувлигига эришиш учун асос деб билади. Шартноманинг имзоланиши халқларнинг 1991 йил 17 мартдаги референдумида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш ва янгилаш борасидаги хоҳиш-иродасини ифодалайди.

Айни вақтда Марказий Комитет Сиёсий бюроси янги Иттифоқ шартномаси те-варакдаги сиёсий кураш шашти пасайиши ўрнига ҳатто кескинлашиб бораётганлиги хусусида жиддий ташвишланмоқда. Баъзилар уни жумҳуриятларни мустақилликдан маҳрум этиш деб билмоқдалар; бошқалар эса, аксинча, унинг имзоланиши Иттифоқнинг парчалани-ши, давлатнинг ҳалокати билан боғламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шартнома тузишни пайсалга солиш вазиятини баттар бе-қарорлаштиришга олиб бора-ди ҳамда миллион-миллион совет кишиларини янги мушкулотлар ва маҳрумлик-ларга дучор этади, деб ҳис-собраб, барча партия ташки-лотларини, ҳар бир комму-нистни бу масалада фаол-мавқеда туришга, кенг афкор-оммани шартномани тезроқ имзолаш фойдасига шакл-лантиришга чақиради.

Ягона кўп миллатли дав-лат, Иттифоқ Федерацияси-ни янгилаш йўлида халқ-ларнинг дўстлиги ва ҳам-корлиги — мамлакат барча-фуқароларининг ишончли келажагидир.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ
СИЕСИЙ БЮРОСИ



Ниҳоят, Учқўрғон тумани ИИБда ҳам от-лиқ бўлак тузилди. Ички ишлар соҳасида ан-чагина тажриба ортирган милиция майори Жўрабой Отахонов ўзи бошлиқ бўлган 3-ми-лиция участкасида улар хизматидан фойда-ланмоқда.

— Бир пайтлар нотўғри сиёсат юритилиши туфайли қадимдан одамзоднинг меҳрибон ва садоқатли дўсти ҳисобланган отлардан бутун-лай ажратиб қўйилганди, — дейди у. — Энди эса туманимизда осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тўрт оёқли жониворлардан унумли фойдалана-ямиз.

Бу тажриба шундай қулайлик туғдирди-ки, эндиликда қонунбузарлик юз берган жой-га, ҳатто у энг тор, хилват, узоқ жойда юз берган бўлсада, тез етиб бориш имкониятига эга бўлди.

СУРАТЛАРДА: 1. Суворий посбонлар — участка вакили милиция катта лейтенанти Т. Эргашев, милиция сержантлари И. Ҳақимов, Б. Жўраевлар хизмат пайтида.

2. Милиция ходимлари ва «Ленинград» жамоа хўжалиги кўнгилли халқ дружиначили-ри навбатчилик олдидан. Суратлар муаллифи Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

«Забт этиш» машқи ўтказилди

Тошкент шаҳрида 4-5 июль кунлари «Забт этиш» деб номланган машқ бў-либ ўтди. Унда ИИВ, ИИБ-лари жамоат тартибини сақ-лаш хизматлари ва бўлаклари раҳбарлари, ички қўшин бў-лаклари командирларининг фавқулодда вазият вужудга келган пайтда вақтинчалик тут-қинхоналар ва суд биноларини қўриқлаш, турли хил уловда айбланувчи ва маҳкумларни соқчилар билан ташиш бўйича вазифаларни бажаришда шах-сий таркибни бошқариши ама-лий қўриқдан ўтказилди.

Биринчи кун назарий маш-гулот билан банд бўлинди. Ур-та Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондан келган 200 дан зиёд мутахассис ҳузурида ССЖИ ИИВ жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бош-лиғи милиция генерал-майори Э. Калачев, ССЖИ ИИВ ташки-лий инспекторлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари ички хиз-мат полковниги В. Насинов-ский, ССЖИ ИИВ ички қўшин-лар қўмондонлиги бош бош-қармаси конвой хизмати бош-лиғи С. Корвинскийлар маъру-за қилишди ва ахборот бериш-ди. Кейин ҳар хил хизмат ва-киллари билан алоҳида маш-гулотлар ўтказилди.

Машқнинг иккинчи кун ама-лий фаолиятга бағишланди. Машқни ўтказиш учун пой-тахт қўналғаси, «Қизил Тўқима-чи» темир йўл бекати ва отчо-пар ҳудудлари танланди.

А. СТЕПАНОВ.

ЭСЛАТСА АЖАБ ЭМАС

Жарқўрғон туманидаги «ХХII партсъезд» жамоа хўжалиги 7-бригадасида яшовчи фуқаро Урол Ша-матов ўтган йилнинг 11 июлида Жарқўрғон-Ангор йўлида катта тезлик бил-ан ўзининг «ВАЗ-2106» белгили Ж 2152 СД рақам-ли енгил автомашинасини бошқариб келаётиб, Эш-қўрғон Чоршанбиев миниб келаётган «Восход-3» мар-кали 43-27 СДД номерли мотоциклини уриб юборди.

Бораётган тергов қонда-бузар ҳайдовчиға тезликда ҳам меъёр борлигини эс-латиб қўйса ажаб эмас.

Ҳабибулла ШОДИЕВ.

ФИКРИМНИ БИЛДИРАМАН

маслик лозимки, сиз бе-фарқ қараётган кашанда-лар галасига эртамин-динми ўзингизнинг ҳам фарзандингиз қўшилиши мумкин.

Барчамиз ўсиб келаётган ёш авлодининг соғлиғи ва келажағи учун баб-баробар жавобгармиз. Фақат кўпчи-лик ёрдамига суянган ҳол-дагина милиция ўсмирлар ўртасидаги гиёҳвандлик, токсикомания, ичкиликбоз-лик, ўғирлик, талончилик, босқинчилик, номусга те-ғиш ва қотиллик каби оғир жиноятлар содир этилишига қарши самарали кураша олади.

Шу йилнинг тўрт ойи мо-байнида Бухоро вилоятида ўсмирлар томонидан содир

Ёшларни асрайлик

қилинган 171 та жиноят қайд этилган. Бу рақам ўт-ган йилга нисбатан 50 фо-из кўпдир.

1181 нафари балоғатга етмаганлар инспекциясига келтирилиб, турли жазо-ларга тортилган. 1154 на-фари эса ҳисобга олин-ган. Булардан 89 ўсмир спиртли ичимликлар ис-теъмол қилишда, 26 шахс гиёҳвандликда, токсиком-анияда айбланади. Уларга нисбатан маъмурий чора-лар қўрилган. Бу иллатлар, айниқса, Бухоро, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ ша-ҳарларида, Тўқимачилик ту-манида кенг тарқалган.

Гиёҳвандлик ва ичкилик-бозлик жиноят сари ихтиё-рий равишда қўйилган қа-

дамдир. Шофиркон туманидаги 30-ўрта махсус ҳунар-тех-ника билим юрти ўқувчи-лари 18 ёшли А. Жаҳон ва 17 ёшли С. Суръатлар ўғир-лик устида қўлга олинди текширилганда, бирининг чўнтагидан 17 грамм, ик-кинчисидан 20 грамм ма-рихуана тошилди.

Қорақўл туманидаги Лер-монтов номли мактабдан радиожиҳозлар ва магни-тофон ўғирлаган 18 ёшли А. Закининг уйидан 70 грамм наша мусодара қи-линди.

Навоийлик 18 ёшли В. Зубко эса 9 февраль кунги маст ҳолда Тинчлик кўча-сида фуқаро Ю. Болтаевага пичоқ билан ҳамла қил-

ган. Милиция ходимлари ўз вақтида беҳуда қон тў-килиши олдини олдилар.

Хуллас, гиёҳвандлик, ток-сикомания ва ичкиликбоз-лик йўлига кириб, разолат ботқоқига ботган ўсмир-ларни қутқариш инсоний бурчимиз. Шу сабабли ота-наллар, умримизнинг гули бўлмиш фарзандларга гард юқмасин, улар бемаҳал ҳа-зон бўлмасин десангиз, ло-қайд бўлманг. Юз бериши мумкин бўлган ёки содир этилаётган қонунбузарлик, жиноят ҳақида хабар топ-сангиз, дарҳол вилоят ич-ки ишлар бошқармасида ташкил қилинган 4-41-42 рақамли ишонч телефониға маълум қилинг. Сутканинг истаган пайтида бу ҳақда хабар қилиб, бизга қўмақ-дош бўлишингиз мумкин.

Фармон МУМИНОВ,

Бухоро вилояти ИИБ ҳо-дими милиция капитани.

«Кайф қилиш», «қиттак-қиттак отиш», «мультик-лар кўриш» каби иборалар гиёҳвандлар, ичкиликбозлар тилида тез-тез такрорланиб туради.

Алдоқчи рўё ёшларни аста-секинлик билан ўз оғу-шига олади. Дастлаб бу нонҳўя қадам ертўлаларда, ота-оналарнинг назаридан четдаги хилватгоҳларда бошланади.

Кўпчилиги: «Бир марта ташмини кўрай, ёқмаса ташлайман», — деб ўйлай-ди. Бора-бора унинг гир-добига тушганлар чекма-са, ичмаса ёки ҳидламаса, туролмайдиган бўлишади. Баъзан бундай ҳатти-ҳара-катлар фожиали тугайди.

Шу боис кўздан йироқ жойларда ўз «тўдаси» қўр-шовида ўтирганларни кўр-ган ҳар бир инсон улар-нинг ёнидан бепарво ўт-маслиги керак. Асло унут-

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Мен «Постда» рўзномаси орқали ҳурматли ўқувчилар билан иккинчи марта учрашиб турибман. Аввалги сафар бирлашмамиз ҳўжалик ҳисоби усулида фаолият кўрсатаётгани, у бажараётгани иши учун, яъни объектларни ва шахсий турар-жойларни қўриқлаш эвазига тушаётган тўловлар ҳисобига ўз-ўзини таъминлаётганлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтган эдим.

Бугун эса таҳририятдан берилган хатлар билан танишиб, ўқувчиларимизнинг зийрак саволларига иложи борича батафсилроқ жавоб қайтаришга қарор қилдим.

Кўпгина мухлисларни қизиқтирган саволга мавзунини бурадиган бўлсам, бошқарма бирлашмага айлантирилгандан кейин ҳўқуқ ва имтиёзларимиз доираси кенгайди. Шуларнинг ичида энг муҳими ва кадрлиси кадрлар масаласидир. Авваллари уларни танлаш ва ҳар кимни ўз жойига қўйиш, керак бўлса янги лавозимларга тайинлаш вазирлиқнинг кадрлар бошқармаси ёхуд ИИБларнинг кадрлар бўлими томонидан амалга оширилди. Энди эса бу бирлашма ихтиёрида.

Қолаверса, иқтисодий соҳада ҳам бир мунча эркинликларни қўлга киритдик. Яқинда бутуниттифок «Қўриқлаш» бирлашмасида бўлган йиғинда чет давлатлар билан алоқа ўрнатиш, улардан тақомиллашган ва айни пайтда ихчам қўриқлаш ускуналари сотиб олиш имко-

УзССР ИИБ ҳўзуридаги «Қўриқлаш» бошқармаси жорий йил бошидан бирлашмага айлантирилди. Шу муносабат билан таҳририятимизга мухлисларимиздан кўплаб мактублар келаяпти. Улар асосан бир нарса — мазкур

ниятлари борлиги таъкидланди. Бу, ҳаммага равшанки, валюта ҳисобига бўлади. Биз қўриқлаётган объектлар орасида валюта билан ҳисоблаша оладиган корхоналар эса мавжуд.

Яқин келгусида режаларимиз катта. Фаолиятимиз доирасини кенгайтириш мақсадида бирлашма ҳўзурида чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда янги навадаги жиҳозлар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ташкил қилиш ниятимиз бор. Бу, режаларни тўлақонли амалга ошириш учун иқтисодий масалалар бўйича бошлиқ ўринбосари деган янги лавозимни ташкил этиш кўзда тутилган. Мақсадлар-ку, катта. Лекин унинг масъулияти ҳам бор. Ҳозирги кун талабидан келиб чиқадиган бўлса, бошлиқдан тортиб то оддий электромонтёргача электрон-техника воситаларини аъло даражада биладиган мутахассислар бўлиши шарт. Бундай мутахассисларни тарбиялаб етиштириш учун кадрларимизни керак бўлса, «Ишбилармонлар» мактабига юборишга ҳам

тайёрмиз. Айни вақтда улар ўқув хонасидаги компьютерлар ёрдамида дастурлаштиришнинг дастлабки сабогини ўзлаштирмоқдалар.

Ишга янги қабул қилинган милиционерларни Андижон ва Фарғона шаҳарларидаги дастлабки тайёрлаш марказига ўқишга юборамиз. Навбатдаги лавозимларга кўтарилиш учун рўйхатда турганлар эса ССЖИ ИИБнинг Воронеждаги махсус ўрта милиция мактабига тахсил олишлари шарт. Чунки бу даргоҳ қўриқлаш бўлимлари учун мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган.

Бундан ташқари яна шуни таъкидлаш керакки, милиционерларимиз ўзларини ва объектларни безорилардан ҳимоя қилишлари учун чиниққан бўлишлари зарур. Бунинг учун самбо, каратэ бўйича махсус машғулотлар ўтказиб туриш йўлга қўйилган.

Тошкентлик Х. Иноятова таҳририятга йўллаган мактубида битта саволни кўндаланг қўйган. Хонадонларни қўриқлаш учун тушаётган маблағ хизматга арзийдими-

таркибий ўзгариш амалда қандай наф бераётгани билан қизиқмоқдалар.

Биз мазкур ўзгаришни шарҳлаб беришни бирлашма бошлиғи милиция подполковниги Ҳикмат Раҳматуллаевич Убайдуллаевдан илтимос қилдик.

Йўқми? Бу жуда ўринли савол. Чунки фуқароларнинг уй-жойини қўриқлаш жараёнида, истайсизми-йўқми, милиционерларимиз анча қалтис вазиятларни бошдан кечиридилар. Баъзан эса бурчни бажариш учун кўксини қалқон ҳам қилишади. Ана шундай хизмат учун бир хонадон эгаси бизга бир ой учун 2 сўм 50 тийиндан 5 сўмгача пул ўтказди (давлат ва ширкат объектлари учун 432 сўм). Бу деярли текинга қўриқлаймиз, деган маънони билдиради, менимча. Айрим фуқаролар эса шуни ҳам ўз вақтида тўламай, қарздор бўлиб юришади.

Айниқса, бутун мамлакат бўйлаб иқтисодий таққислик авжига чиққан пайтда милиционерларимиз ёрдамига эҳтиёж кучайди. Дўконларда пештахталар бўм-бўш, шўнинг учун фуқаролар шахсий мулкига тажовуз кучаймоқда. Биз бу томонини ҳам ҳисобга олиб қўйганмиз. Агар милиционер жиноятчи билан олишувда устун келиб, объект ёки шахсий турар-жойини унинг чангалидан сақлаб қол-

са, эртасигаёқ вилоят ИИБ раҳбариятининг буйруғи билан моддий рағбатлантирилади. Бу пул қўриқлаш бўлими маблағидан ажратилади.

Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида бизга ишониб топширилган 32 мингдан зиёд объектдан 116 тасига тажовуз қилинди. Шундан 107 тасида ўғирлар жиноят устида қўлга олинди. Бунда мардлик ва ишбилармонлик кўрсатган барча милиция ходимлари юқорида айтилганидек, пул билан тақдирланди. 9 та объектда эса ўғирликка йўл қўйилди. Бу ўринда нима қиламиз? Келтирилган зарарнинг бир қисmini қоплаш мақсадида ўғирликка йўл қўйган ходимларнинг ойлик маошларидан чегириб қолинади.

Яна шуни айтиш керакки, корхона, муассаса, савдо ташкилотлари ҳамда турли ширкатлар билан шартнома тузилаётган вақтда ўғирликка йўл қўйилса, улар кўрган зарарнинг ҳаммасини тўлашни зиммасига оламиз. Шўнинг учун фаолиятимизни тобора тақомиллаштиришга интилаймиз.

Жиззах шаҳар аҳолиси милиция катта лейтенанти Ортиқбой Иззатуллаевни ҳўрмат билан тилга олишади. Чунки бу милиция ходими ўз ишини пухта ўзлаштириб олган, одамлар билан тезда чиқишиб кетади. Ҳар бир хабарни назардан қочирмайди, ўз вақтида керакли жойда ҳўзиру нозир бўлади.

СУРАТДА: Жиззах шаҳар ИИБ навбатчилиги қисмининг оператив навбатчиси О. Иззатуллаев милиция старшинаси Анварбек Тайланов билан хабарни қабул қилиб олмақда.

Олег ГАМЗЕНКО олган сурат.



Қашқадарё йўлларида



Қарши тумани ички ишлар бўлимида ҳаловатсиз касбни таялаган бўлсада, бирор марта афсус қилмайдиган касбнинг оғирлиги билан фахрланидиган фидойи ходимлар кўплаб топилади. Улардан бири ДАН инспектори милиция катта лейтенанти Мустафоқул Қўрбо-

новдир. М. Қўрбонов йўлдаги фалокатларнинг олдини олиш борисида анча-мунча тажриба туплаган. Ўзининг хўшхўлқилиги, айни пайтда талабчанлиги билан сафдошлари орасида ҳўрмат-эътибор қўзongan. Сураткаш А. НУРОВ.

Беда баҳона

Тракторга беда ортаётган ишчилар тўппа-тузук ишлаётган эдилар. Аммо ўртага шиша қўйилди-ю, оқибати яхши бўлмади. Бунинг устига бўлим ҳисобчиси Толибжонни шайтон ҳайдаб келди-ми бу ерга...

Карим, Рафиқ, Абдурахим, Адҳам, Ҳамдамлар қиттак-қиттак ичишиб, «Октябрь 40 йиллиги» шўро ҳўжалигида прицепга беда ортгани тушдилар. Толибжон Карим акадан беш тонна бедани олиш-олмаслигини сўради-ю, балога қолди.

— Вухгалтер бўлиб сенга нега ташвиши тушяпти? Ёмонлигиндан хотининг кетиб қолганда, — дея уни бўралаб сўка бошлади.

Арзимаган гапдан чиққан жанжал авжга чиқди. Толибжон билан Карим ака ёқалашини тушдилар.

Қолган шишадошлар уларни гандираклаб ажратдилар-у, аммо судда гувоҳ сифатида иштирок этишларига тўғри келди.

Ўн кун даволанган К. Қорабоев ҳисобчини судга берганди-да.

Беда баҳона 26 ёшли Толибжон ЎзССР ЖМнинг 91-моддаси 2-қисми билан Фарғона вилояти Киров тумани халқ суди томонидан аҳлоқ тузатиш ишларига жалб қилиниб, ойлик маошидан 20 фоиз давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Суд жазони ўз иш жойида ўташи ҳақида ҳўкм чиқарди. М. ИСРОИЛОВА.

Самарқанд вилояти ички

ишлар идораларида

Ишончини оқлаяпти

1969 йили «Ғазғонмармар» меҳнат жамоаси Аҳмад Икромовни Саратовдаги милиция мактабига кириб ўқиши учун тавсиянома берган эди. Ордан йиллар ўтди. У Иштихон тумани ИИБ ДАН ходимлари сафида турли лавозимларда ишлади. Ҳозир эса туманлараро имтиҳон-қайд қилиш бўлими бошлиғи, унвони эса милиция майори.

«Ғазғонмармар» корхонаси жамоаси интизомли, ҳалол ва

хўшхўлқ бу кишига ўтган йили иккинчи марта ишонч билдирди. У 144-сайлов округидан Самарқанд вилояти Кенгаши ноибни этиб сайланди.

Шўниси қувончлики, у бугунги кунда берилган нақзаларни ўз вақтида адо этиш, кончиларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш борисида тиним нималигини билмаяпти.

О. ЧУКИНА.



Кўҳна Самарқандда жамоат тартибини сақлаш осон иш эмас. Чунки бу ерга ҳар кун бир неча минглаб меҳмонлар келиб-кетишади. Уларнинг, қолаверса, шаҳарликларнинг осойишталикларини таъминлаш учун тинчлик посбонлари доимо хўшёр ва

сергак бўлишлари лозим.

СУРАТДА: взвод командир милиция капитани Исқандар Жўраев милиция катта сержантлари Ашур Турсуннинг, қолаверса, шаҳарликларнинг осойишталикларини таъминлаш учун тинчлик посбонлари доимо хўшёр ва

Сураткаш Н. МЕЛНОВ.

СИР ОЧИЛИБ,

**ҚЎҚОНЛИК МАШИНАОЛИБҚОЧАРЛАР
ГУРУҲИ БИР КЕЧАДА ҚЎЛГА ТУШДИ**



20 май, якшанба. Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимининг навбатчиси тун оёйишталик билан ўтаётганидан мамнун эди. Кутилмаганда телефон жириглади. — Алло, алло! Милициями?

— Худди шундай! Эшитаман, — жавоб берди навбатчи зудлик билан.

— Мен Навоий даҳасида яшовчи Исмоилжон Дадабоев бўлман, — гапда давом этди қўнғироқ қилаётган киши. — Ердамларинг керак. Ҳозиргина қандайдир номаълум кишилар машинамини ўғирламоқчи бўлишди. Бироқ мақсадларига етишолмади. Қочиб қолди. Ўзим аниқ кўрдим. Ўғирлар 3 21-03 ФЕ рақамли «Жигули» енгил автомашинасида эди.

— Раҳмат, ўғирларни ушлашга ҳаракат қиламиз, — деди навбатчи уни тинчлантириб.

Бундай пайтларда ҳар бир дақиқа ҳисобда бўлади. Дарҳол бўлим бошлиғи милиция майори Шукрулло Рўзматовга бўлган воқеа ҳақида ахборот берди. У зудлик билан етиб боришини айтиб, унга қадар милиция капитани Муҳаммаджон Ризаев бошчилигида оператив

гуруҳ тузишни буюрди. Гуруҳ таркибига жиноят қидирув бўлими ходимлари Муҳаммаджон Тешабоев, Хусанбой Исмоилов, эксперт-криминалист Раҳмонжон Шокиров ҳамда Шуҳратжон Акрамовлар киритилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Навбатчилик хонасига етиб келганда гуруҳ аъзолари шай ҳолда турардилар. Ҳатто улар гумон қилинган машина шаҳарда истиқомат қилувчи Шарифжон Матмусаевга тегишли эканлигини ҳам аниқлаб қўйишганди.

— Жуда яхши, — деди Шукрулло Рўзматов. — Ишчи гумон қилинган машинани аниқлашдан бошлайверинглари.

Ички ишлар бўлими ходимларининг хизмати шунақа. Ярим кечаси, ёгин-сочинли кунми, топириқни бажариш керак.

Шарифжон Матмусаев хонадонини қийналмай топишди. У ширин уйқуда экан. Ярим кечаси хонадониди милиция ходимларини кўриб, кўрқиб ҳам кетди. Масалага тушунгач, машинасини бир неча кун илгари Левон Джаниян деган устага ремонтга берганини айтди. Изқуварлар унга миннат-

дорчилик билдириб, қидирувда давом этди. Левон Джаниян хонадонига етиб келишганда, тонг ёриша бошлаганди. Ишлари жуда осон кўчди. Гумон қилинган машина ҳовлида турарди.

Гуруҳ аъзолари эҳтиёткорлик билан машинага яқинлашдилар. Буни қарангки, тунги «шарпа»лар машинада ором олишайтган экан.

Машинадаги гафлат уйқусида қотганлар Левон Джаниян, Мурод Сатторов, Фарҳод Қодировлар бўлиб чиқди. Текширишда шу нарса аниқландики, машина ўғирларни анчадан буён фаолият кўрсатишган, шу кунгача тўртта «Жигули», битта «Москвич-412» автомашинасини ўмаришга улгуришибди. Ўғирланган машиналар эса Л. Джаниян устaxonасида қисмларга бўлиниб, пуллалар экан.

Бизни бир нарса ташвишлантиради. Жиноятчилар ҳали ёш. Жумладан, Л. Джаниян 1960 йилда, Мурод Сатторов ва Фарҳод Қодиров 1972 йилда туғилган. Уларни бундай иш туттишга, жиноятга қўл уришга нима мажбур этди экан?!

Ғулумжон
УБАЙДУЛЛАЕВ.



СУРАТЛАРДА: (чандан унган) милиция майори Шерзод Эркабоев, милиция катта лейтенанти терговчи

Бахтиёр Раҳматуллаев ва старшина Уктамжон Қурбонвалар сотишга тайёр қилиб қўйилган машина қисмларини

ни рўйхатга олишмоқда; «еңилтирилган» машиналардан бири.

Муаллиф олган суратлар.

Куюнчаклар минбари

Жиноятчиликнинг қўлайлиги одамларни ҳам асабий қилиб қўймоқда. Улар ҳақли равишда қотилликка ўлим жазосини, ўғирликка қўлоғни кесишни, фоҳишабозликка тошбўрон қилишни таклиф этишмоқда.

Милициянинг фаолиятига келсак. Улар жиноятчиларга қарши курашда техника тақчиллигини, бошқа баҳоналарни сабаб қилмай ҳалол, садоқат билан халқ олдидаги масъулиятларини ҳис этган ҳолда ишлашлари зарур. Шу билан бирга жамоатчилик тинчлигимиз посбонларига баҳоли қудрат ёрдам бериши лозим. Чунки бугунги кунда техникага боғлиқ бўлмаган, тезда тузатиш мумкин бўлган нарсалар ҳам кўп.

Норильск тоғ-металлургия комбинати жамоа аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, ички ишлар бошқармасига Германияда ишлаб чиқарилган қуввати кучли ҳаво телефонлари, яширилган қуролларни топувчи асбоблар, компьютерлар сотиб олишди.

Ҳозир машинанинг ранги ва рақамининг икки сони маълум бўлса бас, бир-икки дақиқада ҳайдовчининг исми, шарифи, манзилгоҳи аниқ. Авваллари эса бунинг учун бир неча кун сарф қилинар-

қамоқхоналарда-чи? Қотилга, ўғрига, бировнинг фарзандини булганганга шароит яратиллик, деб бонг урилмоқда. Аммо ҳамма нарсада мантиқ бўлиши керакда. Агарда мен ривожланган мамлакатда яшаб, халқимнинг ҳаммасини иссиқ, кўркам, қўлай шарт-шароитларда кун кечираётганини, меҳнатига яраша дам олаётганини кўрганимда эди, жиноятчиларга нисбатан бу нарсаларни алам билан ёзмаган бўлар эдим.

Жиноятчини ким туғяпти? Жиноятчини нопок хонадон, бузуқ маҳалла, лоқайд ишхона, бепарво ўқув даргоҳи, маданият масканларидаги маданиятсизликлар туғяпти, уруғини қўпайтиряпти. Демак унга қарши фақатгина милиция курашиши керак эмас.

Бир вақтлар қайсидир нопок «бошчи»нинг сиёсий мафкураси учун зарур бўлган, афкор омма томонидан сўзсиз қабул қилинган, тараққиётимизни боши берк қўчага буриб юборган, ҳозирда умуман кераксизлиги билиниб қолган: «Ота-она фарзанди учун, фарзанд ота-она учун жавобгар эмас», — деган «пурҳикмати»ни ис-теъмолдан бутунлай йўқотишимиз зарур.

Инсонийликка даъват

ди. Ёки воқеа тафсилотида қараб, жиноятчи тўғрисида маълумот жойлашган компьютер орқали кимнинг иши эканлигини аниқлаш ҳам осон кечади. Натижада Норильск шаҳрида жиноятчилик кескин камайди.

Жиноятчиликнинг ўсиш сабабларидан бири қонунларимиз «ёши» ўтиб қолганлигида, иккинчидан ҳаётининг ҳам амалда қўлланмаётганидир. Баъзи жойларда техник, тиббий экспертиза хулосаларини бузиш, жазосизлик ёки адолат тарозисининг шайинини пул билан оғдириш, очик ва пинҳона тазйиқ билан ҳақиқатнинг букилиши жиноятчиликнинг палак отишга олиб келмоқда.

Жойларда куюнчак, софдил милиция ходимлари ҳафсаласини пир қилаётган яна бир масала — ҳуқуқий асосли тузилган ҳужжатларни, ашъвий далилларни нопок терговчи ва суд аъзолари томонидан йўқ қилиниб, жиноятчилик хас-пўшланишидир. Учунчи ҳол манфаатдор кимсаларнинг аралашувида тергов ишини ҳар хил баҳоналар билан юқори даргоҳлардан хулоса чиқмайдиган қоллига келтириб, қуйи идора-ларга оширишдир. Бундай ҳаракатлар натижасида ашаддий жиноятчи оддий жарима билан қутулаверади, нари борса, очикда «тарбиясини тузатишга» йўлланма олиб кетаверади.

Катта шаҳарларда, вилоят марказларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни кучайтиришда аҳоли фаоллигини ошириш мақсадида алоҳида «ишонч хонаси» ташкил қилиб, унда 24 соат мобайнида халқ ноиблари навбатчилигини уюштириш зарур.

Ҳозир қамоқхона ҳужраларига радио, телефон тушириб бериш, унинг «мижоз»ларини телевизор, матбуот нашрлари билан вақтида таъминлаш оддий ҳол. Ҳатто бунинг вақтида бажармаганлар устидан арз қилинса, айбдорларни жазолайдилар ҳам. Юртимга фойдам тегсин, деб илм, ҳунар иштиёқида юрган оддий ўқувчи, талаба, фуқароларга эса шароит йўқ. Етимхоналарнинг аҳоли танг, аҳоли қўрғонлари иситилмайди, сувсиз.

Мақтабда меҳрдан, одобдан гапирилсада, бир қадам наридаги кинохона, видеохоналарда болаларнинг дийдасини қотирадиган зўравонлик, номуссизликлар ошқора намоиш этилиб турса. Аҳоли гавжум жойларда қўшқўш хоналарни эгаллаб олган «Мама Роза»лар тилла тиш, гавҳар кўзли исирғаларини кўз-кўз қилиб, тан савдоси даромадидан топилган оқу қора «тулпорларни» кишинатиб» юрсалар, амалдору казо-казолар бу уйлар эшигини қия очиб, бош суқиб турсалар, кўриб-билиб маҳалла-қўй индамаса...

Хонадонларга «каналли видео» деган бало ўтказиш авжига чиқиб кетди. Бир аёл «видео»нинг уйига бориб:

— Мен кечки сменада ишлайман. Кундузи соат 4 дан 7 гача секс қўйиб берасан, — дебди.

— Ҳой, опажон, сизга алоҳида кўрсата олмаيمان. Канал ҳамма уйларга уланган.

— Мен ҳеч нарсани билмайман. Нима қилсанг, қил. Мен видеони кўришим керак, — дермиш беҳаё.

Мана бизнинг етиб келган жойимиз. Ачинарлиси, чет элларда видеолар фанга, илмга, шифокорлик соҳасига хизмат қилмоқда. Бизда эса маданият ўчоқларидаги баъзи раҳбарларимиз садақалар эвазига фильмлар мазмунини билан мутлақо қизиқтирмайдди.

Канадада дин ёрдамида гиёҳвандлар даволанаётди. Японияда мусулмон динининг энг ҳаётини эканлигидан олиниб, унга ихлосмандлар кундан-кунга ошиб бормоқда. Америкалик машхур қўшиқчи Майкл Жексон ислом динини қабул қилди. Инглизлар, албанлар, ҳабашлар мамлакатидида ҳар кунини азон садоси жарангламоқда. Балким унинг қудратли кучига биз ҳам дадилроқ мурожаат қилармиз?!

Дин — насиҳат, инсонийликка даъват. Ажаб эмас, шунда жиноятчиликнинг томири қирқилиб, юртимизда осойишталик ҳукмрон бўлар, уйимизни ўғри уриб кетишдан, кўчада бўғизланганидан қўрқмай ишармиз.

Умарқул ЭГАМОВ.

БОСҚИНЧИЛАР

Биз жиноятчиларни нега қамаймиз? Улар озодликнинг қадрига етиши учун. Минбаъд бу гуноҳни такрорламаслиги, мазкур тутқунликда кўрган кунларини қайта қўсамаслиги, иккинчи маротаба ўйлаб қадам босиши учун. Бироқ у ердаги жиноий оламнинг ёзилмаган қонунларини ёд олган, шафқатсизликларини синаган собиқ маҳбуслар очиққа эсон-омон чиқиб оладилару яна жиноятга қўл урадилар. Энди бу сафаргиси бир мунча пишиқроқ, дағалроқ, оғирроқ ва вахшийроқ бўлади. Нега? Бу нима «тарбия» маҳсулими ёки одам психологияси шундаймикин? Сабаб бўлмаса, оқибат юзага чиқмаслиги аниқ. Ҳаётимизга турли сунъийликлар (сунъий тола, озиқ-овқат, кийим-кечак, заргарлик буюмлари, ўғитлар, чапиштирилган ўсимликлар, мевалар, ҳатто инсон аъзолари — буйрак, юрак, ичак, дори-дармонлар ва ҳ. ҳ.) киргани сайин одамларимиз ҳам қандайдир нотабиий бир нарсага айланаётгандек туюлади менга. Бизларнинг фикрлаш қобилиятимиз, ақл-тарозимиз, ҳиссиётларимизга ҳам сунъийлик кирган-у, табиийликни сиқиб чиқаришга қасд қилган.

Бизга сингдирилган ғоя бўйича социалистик давлат жиноятлардан ҳоли бўлиши, одамлари ҳеч ҳавотирланмай кечаси-ю кундузи қўшиқ кўйлаб, ишлайвериши, ишлайвериши, тер тўкиб, коммунизм пойдеворини қуриши, ишламаганларни тишлатмаслиги керак эди. Ҳаётда-чи? Қуруқ, дабдабали шиорлар бандиси бўлдик.

Майли, бу сийқаси чиққан, одамлар қоринни тўйдирмайдиган гапларни қўя турайлик-да, муқаддам ўғирликларни учун бир неча марта қамалиб чиққан Илс ва Йўлдошларнинг навбатдаги қилмишлари билан танишай-

лик.

Яқиндагина қамоқхонадан тавбасига таяниб чиққан йигитчалар (иккови ҳам 1969 йилда туғилган) ўғирлик касбидан бутунлай воз кечишга қарор қилишди. «Шу ҳам ишми, вой-вой-ей... Одамларнинг арзумаган нарсаларини деб томма-том олиш, деразалардан сиқилиб хонадонга кириш, уй эгаси келиб қолармикин, деб юрак ҳовучлаб, минг жил ўйда жонсарақ... Э. нимасини айтасан, қўлга илинадиган бир матоҳи бўлса майли-я, баъзан... Ке, қўй, энди бошқа касбнинг этагидан тутамиз». Шундай қилиб икковлон гапни бир ерга қўйишди.

Адашган ақлдан озар, деб машойихлар бекорга айтишмаган. Декабрнинг изғиринидай совуқ ниятларини амалга ошириш мақсадида улар Жиззах шаҳар «Алоқачилар уйи» бекатига келишди. Т. Жўраев бошқарувидаги «ГАЗ-24» такси автомашинасига қўл кўтаришди.

«Темир-бетон заводи» бекатига, ошна, — деди иршайиб Илс.

Кимсасиз йўлга чиқишди-ю, ҳайдовчининг бўйига пичоқ тирадилар. Ёнидаги бор пулини шилишгач, оёқ-қўлини боғлаб, орқа ўриндиққа юмалатишди.

Бекатда бу ғаламисликлардан беҳабар йўловчи Б. Худойбердиев «Ёшлик» ресторанига элиб қўйишларини илтимос қилди. Йўл-йўлакай унинг ҳам чўнтагини қоқлашиб, 200 сўмлик қундуз телпагига чанг солишди. Ўзини эса таксидан тушириб юборишиб, автомашинани Навоий кўчасига бурдилар. Ўлжасини пойлашга кўп вақт кетмади. А. Ҳасанов машинага ўтирди-ю, туғилганига минг-минг пушаймон еди. Олмазор кўрғонига тахаллуф қўйишга кўнган йигитлар вилоят ДАН постидан ғизиллаб ўтишди-ю, қо-

ронгулик оғушида тақа-тақ тўхташди. Анварнинг томоғига пичоқ қадаб, ёнларини титкилашди. 7 сўм пули, 70 сўмлик қўл соатига эга чиқишди. Илснинг кўзи бирдан йўловчининг оғзидаги тилла тишларига тушди. Уни ечиб олиш мақсадида Анварнинг юзига чунонам мушт туширдик, шўрлик йўловчи оғзига пичоқ тикиб, кавлай бошлаганида ҳам қўзлари-



ни ола-кула қилганча миқ этмай турди. Азбаройи бу ишга берилиб кетган Илс қўл-оёғи боғланган ҳайдовчининг ҳам борлигини унутган эди. Йўлдош эса орқа ўриндиқда ўтириб, Анварнинг сочидан ушлаб тортиб тураркан, оғайнисининг нақадар паст ва жирканч эканлигини кўнглидан ўтказарди. Илс ундоқ ҳам, бундоқ ҳам ҳаракат қилиб кўрди. Қараса тишнинг тилла қопламаси мустаҳкам. Охири пичоқни ўзининг қўлига тутқазди.

— Ма, ўзинг суғур. Тезроқ қимирла...

Анварнинг қонга тўлган оғзини чангалидан бўшатаётганида кўзлари ҳамон со-

вуқ ялтирарди. Бу нигоҳдан ўтақаси ёрилаётган Анвар қўлига пичоқни оларкан, унга қараб «тупуриб олай» деган ишора қилди. Розилигини олгач, миясига яшин тезлигида бир фикр урди. Эшикни очолмаётгандек бир-икки каловланиб, уларни чалғитишга эришди. Машинадан отилиб чиқди-ю, ўзини қоронғуликка урди. Улар эса қочоқнинг орқасидан қувиш бефойдалигини сезишди-да, таксини ўт олдириб, бу жойдан гумдон бўлишди. Иванов кўчасидаги кўприк устида машинани тарк этишаркан, ҳайдовчининг эғнидаги курткасини бегона қилишмади.

Эртаси кун «Кўч бозор» яқинидаги автомашиналар тўхташ жойига яқинлашиб, «ВАЗ-2106» машинаси ҳайдовчиси Элдор Б. дан Иванов кўчасига элиб қўйишни сўрашди.

Айтилган манзилга етиб келиниши биланоқ юқоридаги усулни қўллашиб, унинг 70 сўм пулини чўнтакларига уришди. Оёқ-қўли боғланган Элдор машина юкхонасига жойланди.

Машина елиб борар, Элдор эса қўл-оёғини ечишга тинмай уринарди. Бу аблаҳлар нимани режалаштирган билиб бўлмаса. Наҳотки, иблисларнинг қўлида қурбон бўлиб кетаверса. Ҳайрият, шовилинчда қўлларини маҳкамроқ чандишмаган экан.

Бахтли тасодиф туфайли Элдор юкхонадан сакраб омон қолди. Босқинчилар шаҳарнинг 3/1-мавзесига етиб келганларидагина ҳайдовчининг қочганидан хабар топишди. Бу вақтда Элдор ИИБ ходимларини оғоҳлантириб улгурган эди. Йўлдош ва Илслар етиб қолгунча, отиб қол, деганларидек машина ичидаги 3 дона магнитофон кассетаси, бир дона ов пичоғини олиб, номаълум тарафга ғойиб бўлишди.

Бироқ уларнинг қилмишларидан воқиф этилган, ташқи қиёфаси ҳақида тўлиқ маълумотлар олган ИИБ ходимлари изга тушиб, тез орада босқинчиларни ушладилар.

Келтирилган далиллар, юзлаштирилган жабрдийдалар, гувоҳлар олдида улар учун қилмишларига иқдор бўлишдан ўзга чора қолмади.

Икки собиқ маҳбус яна сим ортига жўнатилиди.

М. ИБРОҲИМОВА.

ҚОТИЛ

1991 йил март ойида Чирчиқдаги Богдан Хмельницкий кўчасининг 32-уйида Павел Коротков жасади топилиди.

Оператив йўллар билан қотилнинг шахси аниқланди, лекин у шаҳардан бедарак йўқолганди.

1905 йилда туғилган Павел Коротковнинг қотилини топиш ва уни ушлаш учун Чирчиқ шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимига катта оператив вакили милиция лейтенанти Геннадий Чориев бошчилигида қўлга олиш гурӯҳи тузилди.

Олинган маълумотларга асосланган гурӯҳ қотил яшириниб юрган Наманган вилоятининг Камчик доволнига йўл



олди. У ердан дараги чиқмади. Усталлик ва ақл-идрок билан кузатиш натижасида изқуварлар уни Ангрен кўчаларидан бирида яшайдиган оғайнисининг уйдан ушлашди.

Қидирувда бўлган қотил шериги билан Красногорск шаҳрида ҳам қароқчиларча ҳужум қилиб, фуқароларга озор етказишган.

Тўппа-тузук кўринишга эга бўлган йигитнинг қўли қон эканлигига ҳеч ҳам ишонгим келмади. У билан суҳбатлашганимдан сўнг бунга тўла иқдор бўлдим.

1968 йилда туғилган Чирчиқ шаҳрлик Александр Локшев берган саволимга:

— Отахонни қандай ўлдирганимни билмайман, маст эдим. Қўлларим билан ўлдирган бўлсам керак, — дейди.

Уни қўлга олишда Геннадий Чориев билан бир қаторда катта оператив вакил милиция катта лейтенанти Олег Аракеян, оператив вакил милиция лейтенанти Абдугани Абсалимов, оператив вакил милиция лейтенанти Тўлавовай Имомалиев, эксперт милиция капитани Виктор Следков, милиция катта сержанти Богдан Ушаков, милиция лейтенанти Артур Азарян кунни тунга улашди.

Ҳозир тергов кетяпти.

Ҳабиб ШУКУР.

СУРАТДА: Александр ЛОКШЕВ.

Муаллиф олган сурат.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Октябрь туманидаги 13-ўрта мактабни тугаллаганлиги ҳақида Ортиқова Дилором Фазлитдиновна номига 1979 йили берилган ўрта маълумот тўғрисидаги 905124 рақамли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЯХШИ ТАЖРИБА — КЎПЧИЛИК МУЛКИ

СПОРТ ИНШОАТИ ТИКЛАНМОҚДА

Янгибозор тумани ички ишлар бўлими раҳбарияти ўз ходимларининг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида бир мунча ишларни амалга ошироқдалар.

Яқинда турли ташкилотлар мадади билан каттагина спорт иншоати қурилиши бошлаб юборилди. Умумий қиймати 180 минг сўмлик бўлган бу бинони Хоразм сув қурилиши трестига қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари тикламоқдалар.

Комплекс фойдаланишга топширилгач, туман ички ишлар ходимлари бу ерда теннис, волейбол, қўл жанги ва шахмат-шашка каби спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари ички ишлар бўлимига яқин бўлган жойда осойишталик посбон-

ларига атаб икки қаватли турар-жой биносини тиклаш ҳам жадаллик билан олиб борилаётган.

Бу хайрли ишни ушбу туман ҳудудидаги йирик ташкилот ва корхоналар жамоалари қўллаб-қувватлашмоқда. Туман деҳқончилик бирлашмаси бу қурилиш харажатлари учун 10000 сўм, қурилиш-монтаж бошқармаси, механизациялашган кўча колонна ва пахта тозалаш заводи жамоалари 5000 сўмдан пул ўтказдилар.

Бу кўрсатилаётган ғам-хўрликларга жавобан осойишталик посбонлари ўзларининг ҳалол хизматларини намойиш этишмоқда.

Саъдулла БОБОЕВ.

СУРАТДА: Янгибозор тумани ИИБ бошлиқ ўринбосари милиция капитани Озод Қурбонов қурувчилар билан суҳбатлашмоқда.

Муаллиф олган сурат.



Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени Босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)

Орган коллегии МВД

УзССР